



ОБЛАСТИМИЗ БАЙРОҒИДА ИККИНЧИ ЛЕНИН ОРДЕНИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 53 (4512).

16
МАРТ
ПАЙШАНБА
1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИГА
ИККИНЧИ ЛЕНИН ОРДЕНИ
ТОПШИРИЛДИ.

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИМИЗ
ҒАМХЎРЛИГИГА ФИДОКОРОНА
МЕХНАТИМИЗ БИЛАН ЖАВОБ
БЕРАЙЛИК!



ТОШКЕНТ, 15 МАРТ, САНЪАТ САРОНИ. Тошкент областига иккинчи Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Бугун Тошкент области меҳнаткашларининг ёрқин ва қувончли байрами. Област меҳнаткашларининг саккизинчи беш йилликда эришган юксак муваффақиятлари учун областа Ленин ордени топширилди.

Бу юксак мукофот ҳаммамизни социалистик Ватанимиз фаровонлиги йўлида, мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янги-янги ғалабаларга ва зафарларга илҳомлантиради.

Бу қувончли кунда биз, ишчилар, қолхозчилар ва зиёлиларнинг вакиллари, ана шу унутилмас воқеага бағишланган тантанали йиғилиш иштирокчилари областининг барча меҳнаткашлари номидан жонажон Коммунистик партиямизга ва унинг жаъговар штаби — Ленинчи Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига меҳнатимизни юксак баҳолаганиликлари, областиники экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда кўрсатган доимий ғамхўрликлари учун қизғин сазомлар ва ўзинининг энг самимий, чинқалбдан миннатдорчилигини билдирдик.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги, бепоён Ватанимиз барча қардош халқларининг энг аввало, улут рус халқининг кўрсатган беғараз ёрдами тўғрисида бугунги кунда Тошкент области саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва санъатнинг йирик марказларидан бири бўлиб қолди.

Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда областимиз саккизинчи беш йиллик йилларида олға қараб қатъан қадам ташлади. Халқ хўжалигини ривожлантиришга капитал маблағ сарфлаш олдини беш йилликда қатъан қарор қилиб қўйди. Ана шу йиллар мобайнида 110 та саноат корхонаси ва йирик цехларни ташкил қилиш ва реконструкция қилинди. Беш йиллик давомида меҳнат унумдорлиги 28 процент ўсди ва саноат маҳсулотини ўсишининг учдан икки қисми факат ана шу ҳисобга бўлди.

Саккизинчи беш йиллик йиллари янги Тошкент қурилишида жуда улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилган давр бўлди. Бугун мамлакат партия ва ҳукуматимизнинг қаттиқ эътиборидан зарар кўрган шаҳарнинг қайта қурилишида ва ўзгаришда тинимсиз ғамхўрлик кўрсатилганининг гувоҳи бўлди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг, барча қардош халқларнинг қатъан ёрдами тўғрисида Ўзбекистон пойтахти жуда қисқа вақт ичида ўз қаддини тиклабгина қолмасдан мутлақо янгитдан бунёд этилди. Тошкент навқирон бўлиб қолди, атрофга кенгайди, кўкка бўй чўлди, аввалгига нисбатан гузароқ бўлиб қолди. У энди мамлакатимиз халқларининг мустақам Ленинча дўстлиги ва қардошлигининг рамзи сифатида абадий яшайди.

Ўтган беш йилликда область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилдилар. Пахта етиштириш бўйича беш йиллик план ошириб бажарилди. Ватан 1 миллион 726 минг тонна, пландагидан 100 минг тонна кўп «оқ олтин» олди. Галла, шол, каноп, гўшт, сут, жун, бодорчилик, сабзавот, пилла тайёрлаш бўйича беш йиллик топшириқлари ҳам муддатидан аввал адо этилди.

Тўққизинчи беш йилликда область олдида ривожланишнинг

қатъан истиқболлари очилди. КПСС XXIV съезди тарихий қарорларидан илҳомланиб, социалистик мусобақани кенг қўлчиқ етдириш саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа, қолхоз ва совхоз коллективлари янги беш йиллик планларини муддатидан аввал бажариш учун курашмоқдалар ва ҳозироқ қатор ютуқларга эришдилар.

Янги беш йиллик биринчи йили саноат ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари 23 декабрда бажарилди. Пилдан ташқари 91 миллион сўмдан ортироқ маҳсулот реализация қилинди. Деярли барча ўнги маҳсулот ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш эътизага бўлди.

Қолхозчилар ва совхоз ишчилари ҳам она-Ватанин қатъан ҳосил хирмони билан мамнуқ этилдилар. Област пахтакорлари давлатга 390 минг тоннага яқин «оқ олтин» сотдилар. Бу планин 118 проценти десмади. Биринчи марта ҳар гектардан ҳосилдорлик 27,1 центнерга кўтарилди. Машиналар билан 60 процент ҳосил териб олинди. Деҳқончилик ва чорвачилик бўйича етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ҳам анча кўпайди.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига таъбирларлик тўғрисида»ги қарори областимиз меҳнаткашлари кучига куч қўйди, сиёсий ва меҳнат активлигини жўш урдириб юборди. Област меҳнаткашлари кўп миллатлик совет халқининг бу улут байрамини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Тошкентликлар беш йилликнинг иккинчи йили учун қатъан маъсулликдан мажбуриятлар қабул қилдилар. Ишлаб чиқаришнинг янги резервларини қидириб топиб, меҳнат унумдорлигини оширишга, иқтисод ва тежамкорлик учун доимий равишда курашиб, бу мажбуриятларини ҳеч сўзсиз бажарамиз, деб биз тантанали ваъда берамиз.

Фан, маданият, санъат арбоблари халқ курашининг олдинги сафларида бормоқдалар. КПСС XXIV съезди қарорлари уларни ғовий ва баъдий жиҳатдан тула қолди асарлар яратишга, халқнинг маънавий бойлигини ва фанин бойитишга руҳлантиради.

Кўш ордени Тошкент области ишчилар синфи, деҳқонлари, зиёлилари мамлакатимиз барча халқлари билан ҳам-нафас ва биргаликда қадам ташлайдилар, биргаликда порлоқ келажакни бунёд этиш учун курашадилар.

Биз Ленинчи Коммунистик партия Марказий Комитети атрофида янада маҳкамроқ жипслашамиз, Ленин васитларини садоқат билан бажарамиз, марксизм-ленинизмнинг зафардан байроғини баян қўтарамиз, деб қасамёд қиламиз.

Биз, Коммунистик партия Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини коммунистик қурилишнинг улутвор программасини амалга оширишда ўзинининг куч ва ғайратининг аямизини, деб ишонтирамиз.

Яшасин Коммунизм курувчи — улут совет халқи! Яшасин мамлакатимиз барча халқлари дўстлиги ва қардошлигининг мустақам талғи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — улут Ленин партияси — Коммунистик партия!

Ун бешинчи март Тошкент меҳнаткашлари йилномасида унутилмас кун бўлиб қолади. Мана шу баҳор кунда, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги арафасида Ўзбекистоннинг пойтахт областига Ленин ордени топширилди. Тошкент области саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш беш йиллик плани топшириқларини бажаришда меҳнаткашлар эришган қатъан муваффақиятлар учун шу ордени билан тақдирланган эди.

Тошкентдаги санъат саройи байрам тантаналарининг марказига айланди. Унинг кенг зали област шаҳарлари ва қишлоқларидан келган вакиллари — муносиб мукофот билан тақдирланган ўзининг қатъан ҳиссасини қўшган социалистик мусобақа пешқадамлари билан лиқ тўлди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ишончкорлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари билан бирга бу ерга партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, мусобақадор ўртоқлар — Сирдарё областининг вакиллари, Совет Армиясининг жангчилари ҳам келишди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси гойат баланд руҳ билан тантанали йиғилишнинг фахрий президиумига сайланди.

Тошкент областининг меҳнат ғалабалари билан шўхрат қозongan. Ленин ордени эришган турган байроғи марш садолари остида саҳнага олиб чиқилди. Бу байроғини Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари «Бука» совхозининг бригадери М. А. Ковалева, Ўзбекистон металлургия заводининг бўлат қурилиш мастери А. Эргашев, «Ташсельмаш» заводининг слесари М. Юсупов, Ўрта Чирчиқ районидаги «Поларная Звезда» қолхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Ха, Октябрь революцияси номидан завод слесари Н. М. Железов, Тошкентдаги 73-мактаб директори К. Обидова, Бўстонлик райондаги Фрунзе номли қолхоз чўпон, республика Олий Советининг депутаты А. Қосқинбоев кўтариб келишди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидова сўз берилди.

У тантанали йиғилиш қатнашчиларини ва улут орқали пойтахт областининг ишчилари, қолхозчилари, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан ҳукуматнинг юксак мукофоти билан чин қўл билан қутлайди.

Совет ҳокимияти йилларида, дейди Ш. Р. Рашидова, қадимий Тошкент ерлари бутунлай ўзгариб кетди. Эндиликда бу ерда ҳозирги замон саноатининг юза яқин тармоғи бор. Бу саноат тармоқларининг маҳсулотлари — самодетлар ва тракторлар, пахта териш машиналари ва экскаваторлар, тола ва газламалар, минерал ўғитлар — фақат Совет Иттифоқидagina эмас, шу билан бирга бошқа улут ўлкаларда ҳам кенг қўлчиликка маълум. Саккизинчи беш йиллик мобайнида область саноати пландан ташқари анча кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарди. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўсишнинг учдан икки қисми

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан қўлга киритилди. Тошкентликлар мингтадан кўпроқ янги машиналар, асбоблар ва агрегатларни, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг бир ярим мингдан кўпроқ турли маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирилди. Бу янги ажойиб маҳсулотлар орасида турт қаторли пахта териш машинаси «Ўзбекистон», пахтачиликка мослаштирилган тракторлар ҳам бор. Бундай тракторлар Совет Иттифоқида биринчи бўлиб ишлаб чиқарилди. 110 та саноат корхоналари ва цехлари қурилди ва реконструкция қилинди. Олти миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, қарийб 150 минг ўғитли мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари барпо қилинди.

Тўққизинчи беш йилликда область саноати олдида қатъан истиқболлар очилмоқда. Олмалик химия заводининг янги қурилиш қилинди. Ангренда қатъан резина комбинати қурилди, енгил саноатнинг, озиқ-овқат, тўқитиш ва пахта тозалаш саноатларининг бир қанча корхоналари қуриб битказилди. Тошкент метрополитенининг биринчи станциялари қурилди. Моддий ва меҳнат ресурсларидан тағин ҳам самаралроқ фойдаланиш, фан, техника муваффақиятларини ва ишгорларнинг таърибаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш асосида бўлат, минерал ўғитлар, пахта териш машиналари, электр энергия, химия ва электр техника ускуналари ишлаб чиқариш анча қўлайлирилади керак. Беш йил ичда меҳнат унумдорлиги 36 процент оширилди.

Янги беш йилликнинг биринчи йилида саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимлари анчагина муваффақиятларга эришдилар. Улар ўз зиммаларидаги маъсулиятини юксак даражада аниқлаб, ватанпарварлик бурчларини яхши бажармоқдалар. Тошкент пролетариатининг революцион ва меҳнат традицияларини муносиб равишда давом эттирмоқдалар.

Област социалистик қишлоқ хўжалигининг муваффақиятлари жуда қатъан. Ўтган беш йиллик давомида давлатда пландан ташқари 100 минг тонна пахта, кўп миқдорда каноп, дон, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қўлгина қимматли маҳсулотлар сотилди. 1971 йилнинг топшириқлари ҳам муваффақиятли бажарилди. Тошкент области Ватанга 389 минг тонна пахта топширди, бунинг 60 проценти машиналар ёрдами билан териб олинди. Дон, сабзавот, қовун-тар-

вуз, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш қўлайтирилди.

Фан ва маданиятни, маориф ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги муваффақиятлар ҳам гойат қатъан. Вилта чидаш берадиган, серхосил янги пахта навлари — «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3», «С-6030» навларини етиштириш ва жорий қилиш йўлида олимларимиз бажарган ишлар эўр аҳамиятга эга.

Хўжалик ва маданият қурилишдаги улкан муваффақиятлар КПССнинг қатъан ва жангдор отрядларидан бири, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мустақам талғи — область меҳнаткашлари ҳукумат мукофотини ўтмишдаги хизматларининг эътирофи қилинишинга деб қабул қилиб қолмасдан, шу билан бирга раёбатлантирувчи ҳаётбахш восита деб, коммунизм йўлида янги меҳнат ғалабаларига эришиб оқиниши лозим бўлган юксак шараф деб ҳам қабул қилишларига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Тағин ҳам ихтирош ва жонбозлик билан меҳнат қилиш, мавжуд резервлардан тағин ҳам тўлиқроқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини тинимсиз оширавериш, партиянинг улкан режаларини бажариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига қўшилиш лозим.

Биз СССР ташкил этилганлигининг шонли юбилейига ҳозирламоқдамиз. Кўп миллионли совет халқи КПСС XXIV съезди белгиланган йўлдан Коммунистик партия раҳбарлигида маволиб бўлиб жипслашган ҳолда, дадил ва муайян мақсад сари қудратли қадамлар ташлаб олға бораётган ҳолда бу юбилейни қутиб олади.

Ленинча миллий сиёсат амалга оширилаётганлиги тўғрисида Ватанимиз халқларининг социал ва ғовий-сиёсий бирлиги Коммунистик партия раҳбарлигида тағин ҳам кўпроқ мустақамланди. Манфаат ва Мақсадларнинг муштарақлиги, коммунистик идеалларга содиқлик уларни бир-бири билан сира узилмайдиган қилиб боғлаб турибди.

Халқлар дўстлиги жуда яхши самаралар бермоқда, бу дўстлигининг кучи ва олжасизлиги табиий офат бўлган янгила оқибатларини тугатишга ўзининг ёрқин ифодаси тоғди. «Янги Тошкент, деган эди, Ленин Ильич Брежнев республикамизда бўлган эътиза, ҳаммамизнинг халқлар дўстлиги нимадигани унутмасликка ва партиямиз Совет кишиларининг интернационализм ва халқларнинг бўғилмас дўстлигини ҳис қилаётган тарбиялаш йўлида нақадар буюк ишлар олиб бораётганини ҳар доим эслатиб туришга даъват қилади».

(Давоми 2-бетда).

Л. И. БРЕЖНЕВ АБДУЛ ЗОҲИР БИЛАН СУҲБАТ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 15 марта Афғонистон Бош вазири Абдул Зоҳир билан суҳбат қилди. Самимий, дўстона вазиёда ўтган суҳбат вазиёда СССР билан Афғонистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик мусоабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтиратган баъзи актуал халқаро проблемалар, шу жумладан, Жанубий Осиёга

тааллуқли проблемалар муҳокама қилинди. Л. И. Брежнев ва Абдул Зоҳир Совет Иттифоқи билан Афғонистоннинг ишонч ва ҳамжиҳатлиги руҳи билан суҳбатда дўстона яхши қўлчилик муносабатлари ва ҳар томонлама ҳамкорлиги совет ва афғон халқларининг бахт-саодати, умумий тинчлик маффақиятлари йўлида бундан бўён ҳам мустақамлашиб, ривожланиб боради, деб тула ишонч билдирдилар. (ТАСС).

